



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**  
**КАМОЛОТ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ**



**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XV- ёш  
олимлар, магистрантлар ва  
иқтидорли талабаларнинг илмий-  
амалий анжуман*



*XV – traditional Republic scientific –  
practical conference of young scientists,  
master students and talented students  
under the topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF  
AGRICULTURE AND WATER REOURCES”**

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент – 2016 йил 15 – 16 апрель**

<b>8-ШЎБА</b>			
<b>Сув хўжалиги масалаларида математик моделлаштириш усуллари ва ахборот технологияларини қўллаш</b>			
57.	Каримова Х.Х. - ТИМИ и.ф.н., Абдуллаев О. - ТИМИ талабаси	Фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш муаммо ва омиллари	147
58.	Абдуллаева М.В., Зухридинова К.К., Савина А.О. - студенти ТИИМ	Задачи на оптимизацию земельных ресурсов	150
59.	Абдуллаева М. В., Исроилова З., Нарзуллаев Ж., Исаева Ш. - студенти ТИИМ	Применение неравенства коши к исследованию функции	153
60.	Айнақулов Ш.А. - ТИМИ катта ўқитувчиси, Абулхаев Э. - ТИМИ талабаси	Microsoft excel электрон жадвалида дастурлаш технологиялари	155
61.	Abdusamadov B. - TIMI talabasi	Internet jahon iqtisodiy inqirozi davrida	158
62.	Каримова Х.Х. - к.э.н.ТИИМ, Алимов У., Умарова Ш. - студенти ТИИМ	Анализ модели выбора оптимального варианта развития производства фермерских хозяйств	160
63.	Boboqandov Sh.R. - TIMI talabasi	Kompleks ildizli arifmetik tenglamalarning fizikaviy masalalarda tadbiqu	163
64.	Бойқулов Ж., Боратов В., Ўролова М. – ТИМИ талабалари	Ҳозирги замон физикасининг асосий муаммолари	165
65.	Djamolova X.S. - TIMI assistenti, Djamolova A.R. - TIMI talabasi	Injenerlik masalalarining matematik modelini tuzish	167
66.	Айнақулов Ш. А. - ТИМИ катта ўқитувчиси, Джамалова А.Р. - ТИМИ талабаси	Электр занжиридаги ток тақсимоти масаласини математик модели	169
67.	Джамалова Х.С. – ТИМИ ассистенти, Джамалова А.Р. - ТИМИ талабаси	Истеъмолчиларни электр энергияси билан оптимал таъминлаш	172
68.	Джамалова А.Р. - ТИМИ талабаси	Комплекс қувватли функциялар учун конформ акслантиришлар	173
69.	Djamolov K. - TIMI dotsenti Aynaqulov Sh.A. - TIMI katta o'qituvchisi	O'zaro induktiv bog'langan zanjirdagi tok kuchining matematik modeli	177
70.	Kamolov O., Sherboyev H. - TIMI talabalari	Iqtisodiy masalalarni chiziqli algebra elementlari yordamida yechish	180
71.	Aynaqulov Sh.A. - TIMI katta o'qituvchisi, Maxmudov V. - TIMI talabasi	Internetning uz hududida domenni ro'yxatdan o'tkazish haqida	182
72.	Po'latov S. - TIMI talabasi	AutoCAD dasturida uch o'lchamli modellashtirish bosqichlari	185
73.	Пўлатов С. - ТИМИ талабаси	Болтли бирикмаларни лойиҳалашда компьютер технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги	187
74.	Roziqov R., Oripov X., Qudratov M., - TIMI talabalari	Iqtisodiy masalalarni yechishda analitik geometriya elementlarini qo'llash	191
75.	Айнақулов Ш.А. - ТИМИ катта ўқитувчиси, Саидазимова М. - ТИМИ талабаси	MS EXCEL дастурида макрокомандалар	193

76.	Айнақулов Ш.А. - ТИМИ катта ўқитувчиси, Хамидов С. - ТИМИ талабаси	Microsoft word дастурида макрорекордерлар билан ишлаш	196
77.	Шербоев Ҳ. - ТИМИ талабаси	Иқтисодиётда математиканинг тутган ўрни	198
78.	Айнақулов Ш.А. - ТИМИ катта ўқитувчиси, Шодмонова И. - ТИМИ талабаси	Microsoft excel дастурида фойдаланувчи функцияларини қўллаш	200
79.	Rahmonov I., Davlatyorova N. - TIMI talabalari	Funksiyaning differensiali yordamida masalalarni taqribiy yechish	203
80.	Дулдулова О.О., Хафизов Б.З. – студенти ТИИМ	Элиминативная форма обратной матрицы	205
81.	Абдуллаев М.Х., Эркинов Р.Ш. – ТИМИ талабалари	Электр занжирлардаги жараёнларнинг дифференциал тенгламаларини тузиш ҳақида	207
82.	Айнақулов Ш.А. - ТИМИ катта ўқитувчиси, Жавқаев Х. – ТИМИ талабаси	Интернет - яратилиш ва ривожланиш тарихи	210
83.	Raximov J. - TIMI talabasi	Moodle tizimining kelib chiqishi va undan foydalanish	212
84.	Komilova X.M. - TIMI assistenti, Yuldashева D. - TIMI talabasi	Elementar matematikaning asosiy formulalarini yer sathi yuzasini hisoblashga tadbiri	215
85.	Джамолова А.Р., Қаландаров М.А. - ТИМИ талабалари	Электр занжирдаги ток кучининг ўзгариш қонунини дифференциал тенгламалар ёрдамида топиш	218
86.	Каримова Х.Х. - ТИМИ и.ф.н., Рустамов Ғ. - ТИМИ талабаси	Фермер хўжалиklarини ривожлантиришда ер майдони ўлчамининг ахамиятини тахлили	221
87.	Хайдаров А., Алибаева З. - студенти ТИИМ	Применение дифференциальных уравнений к различным задачам	223
88.	Мавлонов С.П. - ТИМИ ассистенти, Бахромқулов Д.А. - ТИМИ талабаси	Фермер хўжалиklarида экин майдонлари таркиби ва ихтисослашувини оптималлаш модели	225
89.	Бозорбоев Т.Н., Усманов С.С. - ТИМИ талабалари	Чизиқли алгебраик тенгламалар системасини гаусс методи билан ечиш	228
90.	Эшматов Б.Х. - .доцент ТИИМ, Рузиев С.Б - ассистент ТИИМ	Математическая модель задачи о динамической устойчивости вязкоупругой пластины из композиционного материала	230
91.	Хўрозбоев М.Р., Алибеков И.Т. – ТИМИ талабалари	Эксперимент натижаларидан фойдаланиш	233
92.	Алибеков И.Т., Хўрозбоев М. Р. – ТИМИ талабалари	Чизиқли алгебраик тенгламалар системасини интеграция усулида ечиш	236

## ИНТЕРНЕТ - ЯРАТИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ


Айнақулов Ш.А. - ТИМИ катта ўқитувчиси,

Жавқаев Х. - ТИМИ талабаси

### Аннотация

Мақолада Интернет тизимининг ривожланиш тарихи ва ҳозирги пайтда қай даражада қандай кўламда тараққий этганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

XX аср охири ва XXI асрнинг бошлари дунё бўйича ахборот технологияларининг ривожланиш давридир. Ижтимоий ҳаётда бу давр ичида жуда катта тезлик билан олдинга силжиш кузатилди. Ахборот технологиялари соҳасида кўплаб янгиликлар яратилди. Хусусан, ўтган асрнинг охирларида шундай ахборот воситаси яратилдики, бу ҳодиса жаҳон ахборот оламида ўзига хос бурилиш ясади. Бу янги коммуникация воситаси — интернет эди.



### 1-расм. Интернет тармоғининг кўлами.

Кўпчилик технологиялар каби, Internet ҳам ҳарбий дастур сифатида тарқалди. Дунёда ернинг биринчи сунъий йўлдоши парвозидан сўнг, машҳур RAND Corporation Америка илмий маркази мамлакатни бошқаришнинг стратегик муаммоси устида ишлаб бошлади. Бу ерда ахборотларни қандай қилиб талофатларсиз узатиш асосий масала эди. 1964 йил RAND фирмаси қуйидаги таклифларни берди:

1. Бу система марказлашган бошқарув асосида бўлиши керак.

2. Система алоҳида сегментлардан иборат бўлиши керак. Бунда ҳар бир тугун бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил қабул қилиш ва узатиш қобилиятига эга бўлиши керак. Мазкур тармоқ асосида пакетлар коммутацияси принципи ётади. Бунда ҳар қандай хабар адрес билан таъминланган бўлақлардан иборат бўлади. Пакетлар тармоқлар орқали адрес тугунида узатилади ва йиғилади ҳамда бошланғич маълумотлар шаклланади. Баъзида пакетлар адресатга бормаи ҳам қолиши мумкин, лекин хабар уни топиш имкониятига эга. Тармоқдаги хабарни турли алоқа воситалари - радио, телефон ва бошқа турли каналлар орқали узатиш мумкин.


Аввалда RAND, Масачусетс Технология институти ва Калифорния университетлари мазкур тармоқ билан боғландилар. 1969 йили шу тариқа барча ҳарбий суперкомпьютер, илмий текшириш ва бошқарув компьютерлар уланди. Бу тармоқ ARPANET тармоғи деб номланди. 70-йилларда маълум бўлдики, асосий хабарлар оқимини почта ва янгиликлар ташкил қилар экан. Бу электрон почта системаси ва телеконференция системаларини яратишга олиб келди [1].

1982 йили тармоқда маълумотлар ва адресларни узатишнинг бошқариш стандарт тўплами қабул қилинди. Бу TCP/IP деб номланди (Transmission Control Protocol/Internet Protocol). 1986 йили АҚШнинг барча йирик илмий ва ўқув марказлари NASA, Саломатлик Миллий институти ва бошқалар ягона тармоққа уланди. Шунинг учун ҳам 1986 йилни Internet туғилган йил деб қабул қилинди.

Принцип жиҳатидан Internet ҳеч ким томонидан ягона усулда бошқарилмайди, у ҳар бири мувофиқлаштириб турилувчи органларга эга оммавий тармоқ ҳисобланади. Бироқ халқаро нодавлат Internet Society (ISOC) ташкилоти 1992 йилда тузилган. Бу ташкилот глобал масштабда тармоққа жавоб беради ва иккита асосий масалани ҳал қилади - ягона стандартларни ишлаб чиқади ва адресларни тайинлайди.

Бугунги кунда Internet 50000 дан ортиқ алоҳида тармоқларни боғлайди. Улар турли замонавий ахборот хизматларини таклиф этиб келмоқдалар. Масалан, Нью-Йорк фонд биржаси акциялари котировкасини Масачусетс технология институтида кўриб чиқиш мумкин. Usenet системаси ёрдамида маҳаллий ёки глобал муаммоларни муҳокама қилиш мумкин. Yahoo ёки Rambler излаш системаси орқали сизга керакли ахборот тез ва соз топилади. Масалан, оддий товарлар нархидан бошлаб, театр репертуаригача ахборот олиш мумкин. Internet тармоғи орқали бугунги кунда кундалик рўзғор ҳаридлари амалга оширилмоқда. Электрон нашр, кутубхона системалари эса жуда оммавийлашиб кетди. Улар йирик кутубхона ва нашриётларни ўзаро боғлайди. Бироқ электрон почта эса энг кўп оммалашди. Бу система бир зумда дунёнинг хоҳлаган бурчагига хабар етказа олади.

Ҳозирги кунда интернетнинг WWW хизмати кундан кунга ривожланиб, мукамал маълумотлар манбаасига айланиб бормоқда. Интернетнинг ушбу хизмат туридан фойдаланиш учун аввало мижоз компютерида худди шундай имкониятларнинг яратиб берувчи махсус программа таъминоти бўлиши зарур. Бундай программа таъминоти браузерлар деб аталади. Энг биринчи браузер СЭРН ходими Тим Бернер томонидан кашф қилинган.



2-расм. Интернет тармоғига боғланиш усули.

Бутун жаҳонда ягона глобал информацион ҳудуд вужудга келмоқда. XX асрнинг 50 – йилларида 30 варақ матнни 5.000 км. масофага почта орқали юбориш учун камида 10 кун вақт ва 30 доллар керак бўлган. Факс пайдо бўлиши муносабати билан ўтган асрнинг 80 – йилларида бу юмуш учун 1 соат вақт ва 50 доллар сарфланган. Бугун эса бу операцияни амалга ошириш учун 3 секунд вақт ва 3 центга яқин маблағ кифоя[2].

Бугун 200 дан ортиқ мамлакатлардаги 4 млрд.га яқин киши интернетга боғланган.

Танганинг икки томони бўлгани каби Интернетнинг салбий томони ҳам бор. Биринчидан, Интернетда ахборотлар назоратсиз тарқалади. Иккинчидан, тарқатилаётган барча ахборотларни одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ келади, деб бўлмайди. Кейинги йилларда инсон онгини заҳарловчи маълумотларнинг – порнографик, тажовузкорона, жангари, қотиллик руҳидаги ва бўхтон ахборотларнинг кўпайганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Юқорида баён этилган жараёнларни қисқача қилиб “глобаллашув” сўзи билан ном берилган. Глобаллашув - жаҳондаги барча мамлакатлар, ҳудудлар ва бутун континентларнинг ўсиб бораётган иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муносабатларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлигидир. Бошқача қилиб айтганда, глобаллашув – бу барча халқлар, жамиятлар тараққиётининг ўзаро боғлиқлигининг янада ортиб боришидир.

XX аср охири ва XXI асрнинг бошлари дунё бўйича ахборот технологияларининг ривожланиш даври бўлди десак хато бўлмайди. Чунки, бу давр ичида жуда катта тезлик билан олдинга силжиш кузатилди.(Албатта ахборот технологиялари соҳасида).

Жаҳондаги йирик корхона ва фирмалар, хусусан Майкрасофт фирмаси ҳам жуда яхши ривожланиш босқичини босиб ўтди. Ахборот технологиялари соҳасида кўплаб янгиликлар яратилди. Хусусан, ўтган асрнинг охирида шундай ахборот воситаси яратилдики, бу ҳодиса жаҳон ахборот оламида ўзига хос бурилиш ясади. Бу янги коммуникация воситаси — интернет эди.

Бундан йигирма йил муқаддам дунёда жами тўқсон минг интернет фойдаланувчиси бўлган бўлса, бугунги кунда дунё аҳолисининг олтидан бир қисми ушбу тармоқ имкониятларидан фойдаланмоқда. Netcraft компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, 2007 йилда интернетдаги сайтларнинг умумий сони 155 миллионга етган. 2008 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 195 миллиондан ошган. Шунинг ўзи халқаро “ўргимчак тўри»нинг нечоғли шиддат билан ривожланаётганлигини кўрсатиб турибди[3].

Хулоса. Ушбу мақолада келтирилган маълумотлар асосида биз Интернет тизимининг ривожланиш тарихи, кўлами, қай даражада тез ривожланганлиги, унинг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида тушунчаларга эга бўлдик.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Рахмонкулова С. , Интернет ва ундан фойдаланиш асослари.
2. В.Бройдо , “Офис техникаси”, Тошкент, 2001 й
3. М.Арипов, “ Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари”, Тошкент, 2001й.